



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MONOPOLIYAGA QARSHI KURASHISH QO'MITASI HUZURIDAGI  
ISTE'MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI

CONSUMER PROTECTION AGENCY  
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN



100128, Toshkent sh., Labzak ko'chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-47-00, Tel.: (998 71) 241-22-53  
e-mail: [consumer@antimon.gov.uz](mailto:consumer@antimon.gov.uz)

001029

“ 8 ” *OP* 20 *20* y. № *OP-06/48*

**Оммавий ахборот воситалари,  
Интернет нашрлар, Телеграм каналлар, Блогерлар  
(рўйхат бўйича)**

**Нусхаси маълумот учун: Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлигига**

Маълум бўлишича, жорий йилнинг 3 январь куни “Orient Motors” компаниясининг намоишлар залида “Adrenaline Rush” энергетик ичимлигининг янгиланган намунасининг ёпиқ тақдмоти ўтказилган ва мазкур тадбир тўғрисида бир қатор оммавий ахборот воситалари, интернет нашрлар, телеграмм каналлар, блогерлар реклама ҳуқуқи асосида ахборот жойлаштирганлар.

Ушбу реклама ахборотларида, тақдмотнинг асосий меҳмони сифатида таниқли боксчи Шаҳрам Ғиёсов иштирок этганлиги, бундан ташқари, тадбирда спортчилар, блогерлар, инфлюенсерлар ҳам таширф буюргани билдирилган.

Катта экранда намоиш этилган “Adrenaline Rush” видеоролигида боксчи **#сенбарчасиниуддалайсан** даъвати остида Шаҳрам Ғиёсовнинг спортдаги муваффақият тарихининг намоиш этилиши йиғилганларда катта таассурот қолдирди, дейилади ахборотда. Шу билан бирга ахборотнинг охирида “Энергетик ичимликларни ҳаддан зиёд истеъмол қилиш соғлиқ учун зарарли. 18 ёшга тўлмаган шахсларга тавсия этилмайди. Реклама ҳуқуқи асосида”, деган маълумот берилган.

Таъкидлаб ўтиш жойизки, “Реклама тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, энергетик ичимликлар рекламасида бундай ичимликларни ҳаддан зиёд истеъмол қилишнинг зарари тўғрисидаги огоҳлантириш, шунингдек бундай ичимликларни истеъмол қилиш тавсия этилмайдиган шахслар ҳақидаги ахборот мавжуд бўлиши керак. Бирок, “Adrenaline Rush” энергетик ичимлиги тақдмотига оид реклама ахборотида бундай ичимликларни истеъмол қилиш тавсия этилмайдиган шахслар ҳақидаги маълумот берилмаган.

Бундан ташқари, тақдмот юзасидан чоп этилган расмларда акробатика, спорт усталарининг чиқишлари акс этирилган бўлиб, энергетик ичимликлар рекламаси ичимликларни истеъмол қилиш жараёнларини намоиш этмаслиги, ушбу жараёнлар истеъмолчиларнинг ижтимоий ва спортга оид муваффақиятга эришиши ёки жисмоний ҳамда руҳий ҳолати яхшиланиши учун муҳим аҳамиятга эга деган таассуротни юзага келтириб чиқиши мумкин.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, энергетик ичимликлар рекламасини амалга оширганда (жойлаштирганда) “Реклама тўғрисида”ги Қонун талабларига қатъий риоя қилиниши талаб этилади.

Ўз навбатида, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши тўғрисида эслатиб ўтамиз.

Мазкур хат ижроси юзасидан Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлигига ахборот тақдим этиш сўралади.

Директор

Э.Ҳайтметов